

Ота ҳаққини адо этган ўғил (Болалар учун)

05:00 / 16.02.2017 3896

Қадим замонда йўлтўсар ўғрилар одамларнинг йўлини тўсиб уларни асир олиб бозорда қул қилиб сотардилар. Кунларнинг бирида қароқчиларнинг қўлига бир катта ёшли камбағал киши тушиб қолди. Қароқчилар бошлиғи унга шундай деди: Агар бозорда қул бўлиб сотилишни истамасанг менга юз тилла танга келтирсанг сени озод қиламан.

Шунда камбағал киши оила-сига хат ёзиб унга шундай сўзлар битди: Биламан, сизларда мени қутқариш учун тўлашга пулинглар йўқ. Аммо бу хатни мен бошимга тушган ишдан хабардор бўлишингиз учун ёзаяпман. Бу кишининг ғоятда яхши, жасур бир ўғли бор эди. Унга хат етиб бориши билан қароқчилар томонга шошилди ва уларга бориб учрашиб деди: Эй жаноблар! Мен асло сизлардан отамни шундоқ текинга қўйиб юборишингизни сўра-моқчи эмасман, чунки, биламанки, сиз асло бундай қилмайсиз. Аммо отам қари, кучсиз ва ишлай олмайдиган киши бўлгани учун уни сотиб юборсангиз ҳам бир нарсалик бўла олмайсиз. Унинг ўрнига мана мени сотсангиз кўп пул оласиз. Қароқчилар унинг бу таклифига рози бўлишди ва бошлиқлари билан маслаҳатлашиб кўришларини айтишди. Қароқчиларнинг бурама мўйловли бошлиғи бу гапни эшитганида ўз қулоқларига ишонмади ва қари кишининг ўғлига ажабланиб қараб шундай деди:

Ё тавба! Бу дунёда мана шундай жасур ўғлонлар ҳам бор-ми? Ўзини мана шундай қурбон қиладиган кишилар ҳам борми бу дунёда?! Мендан одамгарчилик кетдими? Отангни сен туфайли авф этдим. Қани энди кета қолинглар.

Фақир ота ва унинг учун ўзини қурбон қилмоқчи бўлган ўғли ҳурсанд бўлиб уйларига қайтишди. Бу ҳикоя бизга улуғ пайғамбаримиз Расулуллоҳ С.А.В. нинг айтган ушбу ҳадиси- шарифларини эслатади/ У Зот шундай деб марҳамат қилганлар:

Ўз отасини қул ҳолатида кўриб уни сотиб олиб, озод қилган фарзандгина унинг оталик ҳаққини адо қилган ҳисобланади.
(Муслим)